



**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил 5 июндаги «Суғориладиган ерларни шамол эрозиясига
хамда сув хўжалиги объектларини қум босишига қарши ихота
дарахтзорлари барпо этиш ва реконструкция қилиш чора-тадбирлари
тўғрисида»ги 422-сонли қарори ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 5 июндаги «Суғориладиган ерларни шамол эрозиясига хамда сув хўжалиги объектларини қум босишига қарши ихота дарахтзорлари барпо этиш ва реконструкция қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 422-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 5 июндаги «Суғориладиган ерларни шамол эрозиясига хамда сув хўжалиги объектларини қум босишига қарши ихота дарахтзорлари барпо этиш ва реконструкция қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 422-сонли қарори ижро учун раҳбарликка олинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг юқорида кўрсатилган қарори билан:

а) Суғориладиган ерларни шамол эрозиясига хамда сув хўжалиги объектларини қум босишига қарши ихота дарахтзорлари барпо этиш ва уларни реконструкция қилиш тартиби тўғрисидаги Низом иловага мувофиқ тасдиқланганлиги;

б) Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасига икки ой муддатда «Ўрмонқурилиш» давлат унитар корхонасини (кейинги ўринларда «Ўрмонқурилиш» ДУК деб аталади) ташкил этиш ва унинг ташкилий тузилмасини, штатлари рўйхатини ва уставини белгиланган тартибда тасдиқлаш топширилганлиги;

в) Куйидагилар:

сугориладиган ерларнинг шамол эрозиясига ҳамда сув хўжалиги объектларини кум босишига қарши ихота дарахтзорларини барпо этиш ва реконструкция қилиш ишларида буюртмачи вазифасини бажариш;

ихота дарахтзорларини барпо этиш ва реконструкция қилиш ишларининг бош пудратчиларини аниқлаш бўйича танлов савдоларини ўтказиш, танлов савдолари натижалари бўйича пудрат шартномаларини тузиш, белгиланган тартибда техник назорат ишларини амалга ошириш ва ишларни қабул қилиш;

бажарилган иш ҳажмларини белгиланган тартибда пудратчилардан қабул қилиш, ихота дарахтзорларини барпо этиш ва реконструкция қилиш бўйича бажарилган лойиҳаларни ердан фойдаланувчиларга тақдирини;

шаҳар ва қишлоқ жойларда кўкаламзорлантириш ва ландшафт дизайни билан боғлиқ ишларни амалга ошириш;

ўрмон қардонлари, йўллари ва бошқа ўрмон хўжалиги объектларини қуриш;

ўрмон хўжалигини ривожлантириш бўйича қонунчиликка зид бўлмаган бошқа фаолиятни амалга ошириш «Ўрмонқурилиш» ДУКнинг асосий вазифалари этиб белгиланганлиги;

Куйидагилар:

хўжалик фаолиятдан тушадиган маблағлар:

Ўрмон хўжалигини ривожлантириш жамғармаси маблағлари:

грантлар ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар «Ўрмонқурилиш» ДУК фаолиятини молиялантириш манбалари ҳисобланиши;

г) Ихота дарахтзорларини барпо этиш ва реконструкция қилиш лойиҳаси доирасида:

сугориладиган ерларнинг шамол эрозиясига қарши ихота дарахтзорларини барпо қилиш ва реконструкция қилиш бўйича лойиҳа ташаббусқори этиб - Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, сув хўжалиги объектларини кум босишига қарши ихота дарахтзорларини барпо этиш ва реконструкция қилиш бўйича - Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги;

«Ўрмонқурилиш» ДУК - буюртмачи этиб;

бош лойиҳа ва пудрат ташкилоти - танлов савдолари якунлари бўйича белгиланган тартибда;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси (кейинги ўринларда Жамғарма деб аталади) маблағлари ва қонунийликда тақиқланмаган бошқа манбалар - молиялаштириш манбаи этиб белгиланганлиги;

г) Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси суғориладиган ерларнинг шамол эрозиясига қарши қурашиш ҳамда сув хўжалиги объектларини қум босишига қарши ихота дарахтзорларини барпо этиш ва реконструкция қилиш бўйича илмий тадқиқотлар ўтказилишини фаоллаштириш топширилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. 2018 йилда ихота ва сувни ҳимоя қилиш дарахтзорларини барпо этиш ва реконструкция қилиш манзилли дастурини шакллантирувчи Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий ишчи гуруҳи таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ишчи гуруҳнинг вазифалари этиб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг юқоридаги қарори билан тасдиқланган Низомда кўрсатилган топшириқлар белгилансин.

Туманлар ҳокимлари ўз қарорлари билан ҳудудий туман ишчи гуруҳлари таркибини тасдиқлаш топширилсин.

4. Ер ресурслари ва давлат кадастри банкормаси (Т.Султанов) туман ҳокимлари билан биргаликда ихота дарахтзорларини барпо этиш ва келгусида ердан фойдаланувчиларга белгиланган тартибда топшириш учун зарур бўлган ерларнинг ўз вақтида ажрағилишини таъминлашлар.

5. Ўрмон хўжалиги қўмитаси, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Қорақалпоғистон бўлими суғориладиган ерларнинг шамол эрозиясига қарши қурашиш ҳамда сув хўжалиги объектларини қум босишига қарши ихота дарахтзорларини барпо этиш ва реконструкция қилиш бўйича илмий тадқиқотлар ўтказилишини фаоллаштирсин.

6. Қорақалпоғистон телерадиокомпанияси, Матбуот ва ахборот агентлиги оммавий ахборот воситаларида суғориладиган ерларнинг шамол эрозиясига ҳамда сув хўжалиги объектларини қум босишига қарши ихота дарахтзорларни барпо этиш ишлари бўйича олим-фан ютуқларини, илғор ташкилотлар тажрибасини кенг ёритиш таъсирчан қилинсин.

7. Вазирликлар ва идоралар ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштиришлар.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари С.Ҳожаметов зиммасига юклатилсин.

Қорақалпоғистон Республикаси
Вазирлар Кенгашининг Раиси



Қ.Сариев

**Сугориладиган ерларнинг шамол эрозиясига ҳамда сув ҳўжалиги
объектларини кум босишига қарши ихота дарахтзорларини
барпо этиш ва реконструкция қилиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қондалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамгармаси маблаглари ҳамда қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштириладиган Сугориладиган ерларни шамол эрозиясига ҳамда сув ҳўжалиги объектларини кум босишига қарши ихота дарахтзорларини барпо этиш ва реконструкция қилиш бўйича лойиҳаларни шакллаштириш, ишлаб чиқиш, экспертизадан ўтказиш, тасдиқлаш ва амалга ошириш тартибини белгилайди.

2. Сугориладиган ерларни шамол эрозиясига ҳамда сув ҳўжалиги объектларини кум босишига қарши ихота дарахтзорларини барпо этиш ва реконструкция қилиш Ирригацияни ривожлантириш ва сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш Давлат дастури (кейинги ўринларда Давлат дастури деб аталади) асосида амалга оширилади.

3. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

ерларнинг шамол эрозияси – сугориладиган ерлар унумдор тупроқ қатламининг шамол таъсирида тўлиқ ёки қисман йўқолиши;

дефляция жараёнлари – тупроқ қатламининг шамол таъсирида йўқолиш жараёнлари бўлиб, улар натижасида тупроқнинг унумдор қатламига зарар етказилади,

гармсел – кучли, қуруқ ва жуда иссиқ (43 даража ва ундан юқори) бўлган ҳаво оқими;

ихота дарахтзорлари – сугориладиган экин майдонлари, сув ҳўжалиги объектлари ва йўл тармоқлари бўйлаб жойлашган суғий ўрмон дарахтзорлари;

ихота дарахтзорлари тизими – белгиланган ҳудудни бир-биридан бир хил масофада жойлашган ихота дарахтзорлари қатори билан қоплаш, унда тизимдаги бир қаторнинг шамолга қаршилик кўрсатиш кучи иккинчи қатор билан кучайтирилади;

ихота дарахтзорларини барпо этиш – ихота дарахтзорларини барпо этиш йўли билан сугориладиган ерларни шамол эрозиясидан ва гармселдан ҳимоя қилиш, уларнинг экинларга салбий таъсирини камайтириш, сув ҳўжалиги объектларини кум босишнинг олдини олиш, ҳудудлардаги микроклимни яхшилаш;

ихота дарахтзорларини реконструкция қилиш – мавжуд ихота дарахтзорларини жойлаштириш схемасини, таркибини, ўлчамларини тубдан ўзгартирган ҳолда реконструкция қилиш;

суғориладиган ерларни химоя қилиш ихота дарахтзорлари – суғориладиган ерларни шамол эрозиясидан ва гармселдан химоя қилиш, уларнинг экинларга салбий таъсирини камайтириш мақсадида барпо этиладиган ва қайта тикланадиган ихота дарахтзорлари.

сув ҳўжалиги объектларини химоя қилиш ихота дарахтзорлари – сув ҳўжалиги объектлари бўйлаб чизикли жойлашган бир неча қатор дарахт ёки буталардан иборат сунъий равишда барпо этилган ихота дарахтзорлари;

сув ҳўжалиги объектлари - сув ресурсларини бошқариш, тўплаш, транспортировка қилиш, улардан фойдаланиш ва уларни химоя қилиш мақсадида барпо этилган объектлар.

2-боб. Дала ва сув ихота дарахтзорларини барпо этиш ва реконструкция қилишнинг асосий принципал қоидалари

4 Ихота дарахтзорларини барпо этиш ва реконструкция қилиш куйидаги қондалар асосида амалга оширилади:

шамолнинг фаоллиги кучли бўлганлиги сабабли дефляция жараёнига учраган ҳудудларда:

кишлок ҳўжалиги ерларини шамол эрозияси ва гармсел таъсиридан химоя қилиш мақсадида;

кишлок ҳўжалиги экинларининг ўсиши ва ривожланиши, ҳосилдорликнинг ва маҳсулот сифати ошишига ёрдам берадиган суғориладиган ерлар ва уларга яқин ҳудудларнинг микроклимини яхшилаш учун;

ихота дарахтзорлари тизими тарзида. Юқори даражада самарага эришиш мақсадида асосий химоя қаторлари энг кучли шамол йўналишига перпендикуляр равишда, ёрдамчи қаторлар эса – асосий қаторларга перпендикуляр ҳолатда жойлаштирилади. Асосий ихота дарахтзорлари қаторлари орасидаги масофа ҳудудда шамол ҳаракатларига, шунингдек, тупроқнинг механик таркибига боғлиқ бўлади.

Ихота дарахтзорлари имкон даражасида кам майдонни эгаллаш талаб этилиб, тез усадиган дарахт турлари танланади, уларнинг баландлиги химоя таъсири доирасини кенгайтиради.

5. Суғориладиган ерларда барпо этилган ихота дарахтзорлари таъсирини таъминлаш учун уларни вегетация даврида суғориш, парваришлаш, ҳайвонлардан химоя қилиш ва бошқа салбий таъсирлардан асраш талаб этилади.

Барпо этилган ихота дарахтзорларининг шамол таъсирини заифлаштиришни доимий таъминлаш мақсадида қуриб қолган кўчатлар ўрнига иккинчи йилда янги кўчатлар ўтказилади.

6. Суғориладиган ерларни химоя қилиш ихота дарахтзорлари, шамол таъсирини комплекс баҳолаган ҳолда, экиладиган ерларнинг дефляцияга мойиллигини, мелиоратив шароитини, сув билан таъминланганлигини, ҳосилдорлиги ва этиштириладиган ҳосил сифатини ҳисобга олган ҳолда барпо этилади ва қайта тикланади.

7. Енгил механик тупроқли чўл ҳудудларида жойлашган сув ҳўжалиги объектлари кучсиз шамол таъсирида қум ва бошқа шамол эрозияси материаллари билан тўлиб қолиб, уларнинг сув ўтказиш даражаси камайиши мумкин.

Сув ҳужалиги объектларини қум босишига қарши барпо этиладиган ва қайта тикланадиган ихота дарахтзорлари қуйидаги принциплар асосида амалга оширилади:

сув ҳужалиги объектларига шамол таъсирини камайтириш ва уларни қум ва бошқа шамол эрозияси материаллари босишининг олдини олиш мақсадида сув ҳужалиги объектларини химоя қилиш ихота дарахтзорлари барпо этилади ва қайта тикланади;

сув ҳужалиги объектларини химоя қилиш ихота дарахтзорлари сув ҳужалиги объектлари бўйлаб барпо этилади, қондага қура, қўп қаторли бўлади;

сув ҳужалиги объектларини химоя қилиш ихота дарахтзорлари қучатлар тури ҳамда ҳажми сув ҳужалиги объектлари химоя зонасининг параметрларидан, тупроқ-июлим шароитларидан келиб чиққан ҳолда барпо этилади ёки қайта тикланади.

8. Ихота дарахтзорларини барпо этиш ва реконструкция қилиш лойиҳаларини амалга ошириш қуйидаги омилларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади:

тупроқнинг дефляция даражаси, сугориладиган ерларнинг сув билан таъминланганлик ва мелиоратив ҳолати, шамол эрозиясининг қишлоқ ҳужалиги экинларига салбий таъсири, ҳосилдорлик ва етказиладиган маҳсулот сифати;

сув ҳужаликлари объектларини химоя қилиш ихота дарахтзорлари сув объектларини қум босишига ва сув ўтказувчанлигининг пасайишига қура барпо этилади ва қайта тикланади.

3-боб. Ихота ва сувни химоя қилиш дарахтзорларини барпо этиш ва реконструкция қилиш ҳудудий манзилли дастурларини шакллантириш

9. Ҳудудларда ҳақиқий ҳолатни ўрганган ҳолда ихота ва сувни химоя қилиш дарахтзорларини барпо этиш ва реконструкция қилиш манзилли дастурини шакллантириш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари томонидан ҳар йили 1 мартгача бўлган муддатда ҳудудий ишчи гуруҳлар (кейинги ўришларда ишчи гуруҳ деб аталади) тузилади.

Ишчи гуруҳ таркибига Ўзбекистон Республикаси Ўрмон ҳужалиги давлат қўмитаси, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Қишлоқ ҳужалиги вазирлиги, Сув ҳужалиги вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати маркази, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармасини бошқарин департаменти ҳамда лойиҳа ва илмий-тадқиқот институтлари мутахассислари қиради.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ва тегишли вилоятлар ҳокимларининг қишлоқ ва сув ҳужалиги масалалари бўйича ўринбосарлари ишчи гуруҳ раислари ҳисобланадилар.

10. Ишчи гуруҳга ўрганиб чиқин учун қуйидаги материаллар тақдим этилади:

Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси ҳудудий органи томонидан – шамол ва гармсёл салбий таъсир кўрсатган сугориладиган ерларнинг фермер ҳужаликлари, сув истеъмолчилари уюшмалари ва бошқалар бўйича масштабли хариталари, тупроқ харитаси, бонитет баллари, шамол эрозиясининг сугориладиган ерларга ва қишлоқ ҳужалиги экинларига

таъсири тўғрисидаги маълумотлар ҳамда ихота дарахтзорларини барпо этиш ва реконструкция қилиш лозим бўлган участкалар тўғрисидаги таклифлар (Низомга илова);

Ўзбекистон Республикаси Сув ҳўжалиги вазирлиги ҳудудий органи томонидан – сув объектларини кум ва бошқа эрозия материаллари босиши бўйича маълумотларни ва сув объектларини химоя қилиш ихота дарахтзорларини барпо этиш ва реконструкция қилиш зарур бўлган участкалар тўғрисидаги маълумотлар;

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ҳўжалиги вазирлигининг ҳудудий органи томонидан – қишлоқ ҳўжалиги экинларининг жойлашиши ва уларнинг ҳосилдорлигига шамол ва гармселнинг салбий таъсирлари тўғрисидаги маълумотлар;

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати маркази ҳудудий органи томонидан – шамолнинг кучи ва йўналиши, тақрорланиши, ёгингарчилик бўйича метеорологик маълумотлар.

11. Ишчи гуруҳ:

тақдим этилган маълумотларни таҳлил қилади ҳамда сўғориладиган ерларнинг шамол эрозиясига учраши ва сув объектларини кум босишининг асосий сабабларини аниқлайди;

сўғорилалиган ерларнинг шамол эрозиясига ва сув объектларини кум босишига қарши қурашни учун ихота дарахтзорларини барпо этиш ва реконструкция қилиш участкалари бўйича таклифларни ўрганиб чиқади;

туманнинг манфаатдор ташкилотлари вакиллари ва сув истеъмолчилари уюшмаси, фермер ҳўжаликлари раҳбарлари билан биргаликда сўғориладиган ерларнинг шамол эрозиясига учраган ва кум ва бошқа эрозия материаллари босган сув объектлари участкаларини ўрганиб чиқади;

ўрганиш якунларига кўра сўғориладиган ерларнинг шамол эрозиясига ҳамда сув объектларини кум ва бошқа эрозия материаллари босишига қарши ихота дарахтзорларини барпо этиш ва реконструкция қилиш бўйича асосли таклифларни ишлаб чиқади

Келгуси йилда барпо этилиши ва реконструкция қилиниши режалаштирилган объектларни ўрганиш ишчи гуруҳ томонидан ҳар йили апрель ойида ўтказилади.

12. Ишчи гуруҳ сўғориладиган ерларни ва сув объектларини ўрганиш тугаганидан кейин:

барча материалларни комиссия таҳлил қилади, сўғориладиган ерларнинг копикарсиз ҳолатга тушиши сабабларини аниқлаштиради, шамолнинг асосий йўналишлари ва кучини, туپроқнинг хусусиятларини, унумдорлигини, мелiorатив ҳолатини, несик шамол осадиган кунлар сонини таҳлил қилади;

келгуси йилда ихота дарахтзорлари барпо этиш лойиҳалари бўйича таклифлар ишлаб чиқиб, ҳар бир лойиҳани асослайди;

ҳар бир лойиҳа бўйича паспорт (асосий кўрсаткичлар) ва аннотациялар тайёрлайди.

ҳар бир туман ва вилоят бўйича ихота дарахтзорларини барпо этиш ва реконструкция қилиш ишларини бажариш босқичлари кўрсатилган хариталарни (схемани) ишлаб чиқади

Урганиш натижалари буйича навбатдаги йилда барпо этиладиган ва реконструкция қилинадиган ҳар бир объект буйича таклифлар ишлаб чиқади.

13. Объектлар буйича таклифларда:

сугориладиган ерларни шомол эрозиясидан химоя қилиш ихота дарахтзорларини барпо этиш ва реконструкция қилиш лозим булган фермер хўжаликлари, ердан фойдаланувчилар рўйхати;

сув объектларини кум ва бошқа эрозия материаллари босишига қарши ихота дарахтзорларини барпо этиш ва реконструкция қилиш лозим булган сув хўжалиги объектлари рўйхати;

илмий-изланиш ва илмий-тадқиқот ишлари рўйхати кўрсатилади.

14. Ишчи гуруҳ томонидан сугориладиган ерларни шомол эрозиясидан ва сув объектларини кум босишидан химоя қилиш ихота дарахтзорларини барпо этиш ва реконструкция қилиш буйича келгуси йил учун ишлаб чиқилган таклифлар ҳар йили 15 майгача тегишли туман ҳокимликлари йиғилишида тегишли ташкилотлар раҳбарлари, лойиҳа ва илмий-тадқиқот институтлари, сув истеъмолчилари уюшмаси вакиллари, фермер хўжалиги раҳбарлари иштирокида муҳокама қилинади.

Келгуси йил учун дала ва сув ихота дарахтзорларини барпо этиш ва реконструкция қилиш буйича ишчи гуруҳ таклифлари келишилади.

15. Ишчи гуруҳ Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, тегишли вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари ҳамда бошқа манфаатдор ташкилотлар раҳбарлари иштирокида ўтказиладиган кенгайтирилган йиғилишда ишлаб чиқилган ихота дарахтзорларини барпо этиш ва реконструкция қилишнинг ҳудудий манзили дастури лойиҳаси тақдимотини ўтказилади.

Шу билан бирга, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, тегишли вилоятлар ва туманлар ҳокимлари, фермер, деҳқон ва томорқа ер эгалари кенгаши раислари томонидан лойиҳаларга объектив баҳо берилади, лойиҳалар ҳар томонлама ўрганиб чиқилади.

Барча мажлислар якунлари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, тегишли вилоятлар ва туманлар ҳокимликларининг йиғилиш баённомалари билан расмийлаштирилади.

Дала ва сув ихота дарахтзорларини барпо этиш ва реконструкция қилиш ҳудудий манзили дастурлари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва тегишли вилоятлар ҳокимлари томонидан тасдиқланади.

16. Ишлаб чиқилган ихота дарахтзорларини барпо этиш ва реконструкция қилиш ҳудудий манзили дастури иловалари билан бирга ишчи гуруҳ томонидан Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат кўмитаси қошидаги Ихота дарахтзорларини барпо этиш ва реконструкция қилиш дирекциясига (кейинги ўринларда “Ўрмонқурилиш” ДУК деб аталади) қуриб чиқиш учун белгиланган тартибда юборилади.

17. “Ўрмонқурилиш” ДУКга қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

ихота дарахтзорларини барпо этиш ва реконструкция қилишнинг кейинги йил учун туманлар буйича ҳудудий манзили дастурлари;

худудий манзилли дастурлар муҳокама қилинган йиғилишларнинг тасдиқланган баённоmaları;

ихота дарахтзорларининг ҳар бир туман бўйича алоҳида жойлаштириш хариталари;

ҳар бир лойиҳанинг дастлабки техник-иктисодий курсаткичлари, сугориладиган ерлар ва сув объектларининг ҳолати бўйича тахлилиий маълумотлар ва кутиладиан натижалар.

18. Ихота дарахтзорларини барпо этиш ва реконструкция қилишнинг худудий манзилли дастурлари Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасининг Соҳавий илмий-техника кенгашида Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Фанқулодда вазиятлар вазирлиги ҳузуридаги Гидрометсорология хизмати маркази, лойиҳа ва илмий-тадқиқот институтлари мутахассислари мажлисларида муҳокама қилинади.

Мажлислар якуналари бўйича тегишли баённома қарорлар қабул қилинади.

19. “Ўрмонқурилиш” ДУК ҳар йили 1 июнгача бўлган муддатда Соҳавий илмий-техника кенгаши томонидан курсатилган камчиликларни бартараф этиб ва тақлифларни янбоабга олинган ҳолда қайта ишлаб дала ва сув ихота дарахтзорларини барпо этиш ва реконструкция қилишнинг худудий манзилли дастурларини умумлаштиради.

20. “Ўрмонқурилиш” ДУК келгуси йилнинг умумлаштирилган манзилли дастурларини Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Сугориладиган ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш жамғармасини (кейинги ўринларда Жамғарма деб аталади) бошқарини департаменти билан келишган ҳолда Жамғарма Кенгашига ҳар йили 1 июлгача бўлган муддатда киритади.

21. Ихота дарахтзорларини барпо этиш ва реконструкция қилишнинг келгуси йил учун умумлаштирилган манзилли дастури ҳар йили Жамғарма кенгаши томонидан муҳокама қилинади ва унинг қарори билан тасдиқланади.

22. Қишлоқ хўжалиги экинлари экиладиган ерларда ихота дарахтзорларини барпо этиш ва реконструкция қилиш учун ер ажратиш туғрисидаги ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг худудий бўлимлари томонидан тайёрланиб, тегишли туман ҳокимликларига қарор қабул қилиш учун белгиланган тартибда тақдим этилади.

4-боб. Дала ва сув ихота дарахтзорларини барпо этиш ва реконструкция қилиш ишлари лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш, келишини, экспертизадан ўтказиш ҳамда молиялаштириш

23. Дала ва сув ихота дарахтзорларини барпо этиш ва реконструкция қилиш ишчи лойиҳасини ишлаб чиқиш топшириқномаси “Ўрмонқурилиш” ДУК томонидан, Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги ва Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси ҳамда бошқа ваколатли органлар билан келишган ҳолда тасдиқланади.

24. Дала ва сув ихота дарахтзорларини барпо этиш ва реконструкция қилиш ишчи лойиҳасининг экспертизаси Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги органлари томонидан, белгиланган тартибда амалга оширилади.

25. “Ўрмонқурилиш” ДУК:

дала ва сув ихота дарахтзорларини барпо этиш ва реконструкция қилиш, иккинчи йил давомида парваришlash ҳамда бошқа эрозияга қарши ишларни бажариш учун танлов (тендер) савдоларини ўтказди, танлов (тендер) савдолари натижаларига қўра бош пудратчилар билан шартнома тузади, пудрат ташкилотлари томонидан ихота дарахтзорларини барпо этиш ва реконструкция қилиш ишларини олиб бориш жараёнида техник назорат олиб боради;

ҳар ойда бош пудратчилар томонидан бажарилган ишларни қабул қилиб олади ва ишлаб чиқилган лойиҳа-смета ҳужжатлари кўрсаткичларига амал қилиниши юзасидан мониторинг олиб боради.

26. Лойиҳани амалга ошириш даврида бош пудратчи ташкилот ихота дарахтзорларини барпо этиш ва реконструкция қилиш ишлари, қуриган қўчаларни ўрини тўлдириб, парваришlash, қуриқlash ва бошқа бажарилган ишлар сифати учун жавоб беради.

“Ўрмонқурилиш” ДУК ҳисобот давридан кейинги ойнинг 10-қунигача пудрат ташкилоти томонидан бажарилган ишлар ҳажмини белгиланган тартибда молиялаштиради.

27. Дала ва сув ихота дарахтзорларини барпо этиш ва реконструкция қилиш ишларини бажариш, лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун маблағлар белгиланган тартибда тасдиқланган смета харажатлари ва манзилли рўйхатлар асосида сарфланади.

28. Пудрат ишларини молиялаштириш буюртмачи ва бош пудратчи ўртасида тузилган шартномалар асосида ва ҳар бир объект бўйича қўйидаги тартибда амалга оширилади:

ихота дарахтзорларини барпо этиш ва реконструкция қилиш ишларини бажаришнинг биринчи ойида молиялаштириш жадвалига қўра танлов (тендер) савдолари натижасида аниқланган ишлар қийматининг 30 фоизи миқдорида аванс;

ҳар ойда жорий молиялаштириш бажарилган ишлар ҳажмининг 95 фоизи миқдорида, берилган авансга пропорционал равишда чегириб қолган ҳолда;

лойиҳа қийматининг қолган 5 фоизини тўлаш шартномада кўрсатилган кафолат муддати тугагандан сўнг амалга оширилади.

5-боб. Дала ва сув ихота дарахтзорларини барпо этиш ва реконструкция қилиш бўйича тугалланган лойиҳаларни фойдаланишга қабул қилиш

29. Барпо этилган ва реконструкция қилинган ихота дарахтзорларини қабул қилиш комиссиялар томонидан, белгиланган тартибда амалга оширилади.

30. Барпо этилган ва реконструкция қилинган ихота дарахтзорларини қабул қилиш комиссиялари (кейинги ўринларда комиссия деб аталади) таркиби Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва вилоятлар ҳокимлари томонидан тасдиқланади.

Дала ва сув ихота дарахтзорларини барпо этиш ва реконструкция қилиш бўйича комиссия таркибига буюртмачи, бош пудратчи ташкилот, манфаатдор вазириликлар, идораларнинг ҳудудий органлари, лойиҳа ташкилотлари ҳамда ердан фойдаланувчилар вакиллари киритилади.

31. Ихота дарахтзорлари комиссия томонидан, лойиҳа тугаллангандан сўнг иккинчи йил охирида қуйидаги мезонлар асосида баҳоланади:

кўчатларнинг кўкариши 25 фоиздан кам – нобуд бўлган ҳисобланиб, пудратчининг маблағлари ҳисобидан тикланади;

кўчатларнинг кўкариши 26-80 фоиз – пудратчининг маблағлари ҳисобидан тикланади;

кўчатларнинг кўкариши 80 фоиз ва ундан юқори – ишлар тўлиқ қабул қилиниб, белгиланган тартибда ердан фойдаланувчилар балансига топширилади.

Давлат ер захираси ҳамда давлат ўрмон фонди ҳудудида барпо этилган ихота дарахтзорлари Ўзбекистон Республикаси ўрмон хўжалиги давлат қўмитасининг ҳудудий ўрмон хўжаликлари балансига фойдаланиш учун белгиланган тартибда тўлиқ топширилади.

32. Сув объектларини ҳимоя қилиш ихота дарахтзорлари комиссия томонидан лойиҳа тугаллангандан сўнг иккинчи йил охирида қуйидаги мезонлар асосида баҳоланади:

кўчатларнинг кўкариши 25 фоиздан кам – нобуд бўлган ҳисобланиб, пудрат ташкилотининг маблағлари ҳисобидан тикланади;

кўчатларнинг кўкариши 26-50 фоиз – пудрат ташкилотининг маблағлари ҳисобидан тикланади;

кўчатларнинг кўкариши 50 фоиз ва ундан юқори – фойдаланишга қабул қилиниб, белгиланган тартибда фойдаланувчилар балансига тўлиқ топширилади.


33. Ердан фойдаланувчи ихота дарахтзорларининг келгусидаги парварини, сақланиши, ўз функцияси бажарилишини таъминлаш учун жавоб беради.

6-боб. Яқунловчи қоида

34. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беришади.

сугориладиган ерларнинг шамол эрозиясига ҳамда сув ҳўжалиги объектларини кўм босишига қарши ихота дарахтзорларини барпо этиш ва реконструкция қилиш лойиҳаларини тақлифантириш, ишлаб чиқиш, экспертизадан ўтказиш, тасдиқлаш ва амалга ошириш

СХЕМАСИ



1. Сугориладиган ерларнинг шамол эрозиясига ҳамда сув ҳўжалиги объектларини кўм босишига қарши ихота дарахтзорларини барпо этиш ва реконструкция қилиш юзасидан зарур бўлган маълумот ва тақлифларни қабул қилиш ҳамда уларни ўрганиш ва таҳлил қилиш.

2. Ҳар йилнинг апрель ойида шамол эрозиясига учраган сугориладиган ерлар ҳамда кўм ва бошқа шамол эрозияси материаллари босган сув ҳўжалиги объектларини ўрганиб чиқиш. Йиғилган маълумотларни комплекс таҳлил этиш, ихота дарахтзорларини барпо этиш ва реконструкция қилиш зарур бўлган объектлар рўйхати бўйича асосли тақлифлар ишлаб чиқиш.

3. Ҳар йили 15 майгача бўлган муддатда ихота дарахтзорларини барпо этиш ва реконструкция қилиш зарур бўлган объектлар рўйхатини гиштли туман ҳокимлари билан келишиш ва баённома билан расмийлаштириш.

4. Ихота дарахтзорларини барпо этиш ва реконструкция қилиш бўйича ҳудудий манзилли дастурлар лойиҳасини Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликларида ҳар томонлама муҳокама қилиш ва презентациядан ўтказиш, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва тегишли вилоятлар ҳокимлари томонидан тасдиқлаш.

5. Ихота дарахтзорларини барпо этиш ва реконструкция қилиш бўйича ҳудудий манзилли дастурлар лойиҳасини зарур бўлган маълумотларни тўла қилган ҳолда белгиланган тартибда қўриб чиқиш учун “Ўрмонқурилиш” ДУК га тақдим этиш.

6. Ихота дарахтзорларини барпо этиш ва реконструкция қилиш бўйича ҳудудий манзилли дастурлар лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Ўрмон ҳўжалиги давлат кўмитасининг Соҳавий илмий-техника кенгашида Қишлоқ ҳўжалиги вазирилик, Сув ҳўжалиги вазирилик, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат кўмитаси, Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси, Фавқулодда вазиятлар вазирилик ҳузурдаги Гидрометеорология хизмати маркази, лойиҳа ва илмий-ишлаб чиқариш қорхоналари мутахассислари иштирокида муҳокама қилиш ҳамда тегишли баённома билан расмийлаштириш.

Ўзбекистон Республикаси Ўрмон ҳўжалиги давлат кўмитасининг Соҳавий илмий-техника кенгаши томонидан берилган тавсиялар ҳамда тақлифларни ҳар йили 1 июнгача умумлаштириш.

7. Ихота дарахтзорларини барпо этиш ва реконструкция қилиш бўйича умумлаштирилган манзилли дастурларни келишиш.

8. Ҳар йили 1 июлгача бўлган муддатда ихота дарахтзорларини барпо этиш ва реконструкция қилиш бўйича умумлаштирилган манзилли дастурларни Жамғарма кенгашига муҳокама қилиш ва тасдиқлаш учун киритиш.

9. Белгиланган тартибда тасдиқланган манзилли дастурга киритилган лойиҳаларни амалга ошириш.

**2018 йилда ихота ва сувни ҳимоя қилиш дарахтзорларини барпо этиш
ва реконструкция қилиш маъзилли дастурини шакллантирувчи
Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий ишчи гуруҳи**

ТАРКИБИ

- С.Ҳожаметов - Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари, ишчи гуруҳ раҳбари
- У.Утамбетов - Ўрмон хўжалиги кўмпаси раиси, ишчи гуруҳ раҳбарининг ўринбосари
- Т.Султанов - Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси бошлиғи
- Т.Ҳожаназаров - Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш кўмпаси раиси
- А.Аминов - Қишлоқ хўжалиги вазири ўринбосари
- Ж.Узақов - Сув хўжалиги вазири в.б
- А.Қдирниязов - Фавқулодда вазиятлар бошқармаси ҳузуридаги Гидрометеорология бошлиғи
- Б.Ҳожаметов - Сугориладиган ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш жамғармасини бошқариш департаментининг Қорақалпоғистон Республикасидаги вакили
- М.Заратдинов - «ЎзГИП» МЧЖ Қорақалпоғистон шўъба корхонаси директори
- Б.Қурбанбаев - Ирригация ва сув муаммоларини илмий-тадқиқот институтининг Қорақалпоғистон Республикаси бўлими директори



